



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 28-iyul. Seshanba • 87 (31.990)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 27 июль кун Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Ллойд Остинни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро манфаатларга асосланган муносабатлар амалий ҳусусиятга эга эканини таъкидлади.

Турли даража ва йўналишлардаги доимий мулоқотлар Ўзбекистон ва АҚШга қўлқиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириш имкониятини бераётгани қайд этилди.

Учрашувда айрим халқаро муаммолар, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш жараёنлари ҳусусида фикр алмашилди.

Ллойд Остин Президент Ислам Каримовга самимий қабул ва Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожлантириш истиқболларини атрафлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАНГАН


Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазир Халқаро меҳнат ташкилотининг 138 ва 182-сонли конвенциялари бажарилиши тўғрисида ахборот берди

Бугун бугун дунёда бола ҳуқуқларини таъминлаш, ҳусусан, уларни оғир ва ёмон шакллардаги меҳнатдан ҳимоя этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Халқаро Меҳнат ташкилоти уставида акс эттирилган етакчи тамойиллардан бири ҳам айнан болалар меҳнатига алоқадор бўлиб, бу болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Авалло, маълумот ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилган, бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий асослар яратил-

ди. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда. Олий Мажлиснинг 2008 йил 27 мартдаги қарори билан Халқаро меҳнат ташкилотининг «Ишга қабул қилиш учун минимал ёш тўғрисида» (138-) ҳамда «Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари» (182-) конвенциялари ратификация қилинди. Шу билан бирга, соҳада Миллий ҳаракатлар дастури изчил амалга ошириб келинмоқда.

2



Хотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

ЙЎЛЛАРИМИЗ ЯНАДА КЕНГ ВА РАВОН БЎЛАДИ

Президентимиз раҳнамолигида транспорт инфратизимини яхшилаш, янги йўللار барпо этиш ва мавжудларини халқаро андозалар даражасида реконструкция қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Буни Қамчиқ довонидан ўтувчи Тошкент-Ўш автомобиль йўли мисолида ҳам қўриш мумкин. Айни кунларда мазкур

йўлнинг 58 километр қисмида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Йўлсозлар миллий автомагистралнинг ўшбу участкасида йўлни олти полосали этиб кенгайтириш ҳамда мустақим қоплама ётқизиш ишларини бажармоқда. Мавжуд қўриқлар, йўл четларидаги иншоотларни ҳам таъмирлаш қўзда тутилган.

ЎЗА

Партия ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш доирасида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг интерфаол давлат хизматлари ягона портали ва бошқа тегишли тармоқ ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминловчи, аҳолига қўнунлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви вилоят, туман ва шаҳар идораларининг фуқаролар манфаатига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари матни билан танишиш имконини берадиган шохобчалар тармоғининг ташкил этилишига эришишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.

МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚўВВATЛАШ МАРКАЗИ

ЭЛЕКТОРАТ МУРОЖААТЛАРИГА ЕЧИМ ТОПILMOҚДА

Маҳалла ишига қўмак бериш, аҳолини аниқ йўналтирилган манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнига муносиб ҳисса қўиш мақсадида жойларда «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси асосида турли давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилмоқда. Навбатдаги тадбир Сурхондарё вилояти Бойсун туманида бўлиб ўтди.

Тадбирда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ўрнини мустаҳкамлаш ҳусусида сўз борди. Бунинг учун, энг аввало, ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-иқтисодий ҳусусиятларини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, шу асосда тақлифлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Партияимиз тизимида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кексалар, жисмоний имконияти чекланган кишилар манфаатини самарали ҳимоя қилиш, уларга ажратилаётган маблағларнинг манзиллилигини ошириш масаласига ҳамisha катта эътибор қаратиб келинади, — деди ЎзХДП Бойсун туман кенгаши раиси ўринбосари Омон Бобоев. — Оилалар турмуш тарзини ўрганиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш долзарб масала. Айниқса, кўмакка муҳтож оилаларга маҳалла-қўй эътибор қаратиши керак. Шу мақсадда туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Пенсия жағмармаси туман бўлими билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирлар натижасида туманда касб-хунар коллежлари

битирувчилари, иш топишда қийналаётган кишиларнинг бандлигини таъминлаш масаласига эътибор янада кучайтирилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолини йўналтирилган манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида турли давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилмоқда. Навбатдаги тадбир Сурхондарё вилояти Бойсун туманида бўлиб ўтди.

Давра суҳбатларида партия ташкилотлари ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш борасида фикр алмашилди, тақлиф ҳамда тавсиялар ўртага ташланди. Тадбир давомида кўма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилиб, электорат вакиллари йўналтирилган масалалар ўрганилди. Депутатлар томонидан мурожаатлар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Аброр Курбанов, ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири.

МУНОСАБАТ

МУСТАҚИЛЛИК — БАРЧА ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР

■ Бу йил истиқлолга эришганимизга 24 йил — 288 ой бўлади. Мустақилликнинг ҳар бир оғи бизга катта имкониятлар берапти. Тўғриси айтганда, бир ойда йилларга тенг бунёдкорликлар, янгиланишлар бўлаяпти. Республикаимизнинг қайси бир ҳудуди-га борманг, таниб бўлмас даражада ўзгарганини кўрасиз.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида бу ютуқларнинг асоси, замини чуқур очиб берилди. Бугун партияимиз фаоллари, депутатларимиз қарорда билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдирмоқда.

Шухрат ТУРСУНБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

— Бугун Ўзбекистонга нисбатан «маънавийат мамлакатини» деган таърифни ҳеч иккиланмасдан бемалол қўлашимиз мумкин. Бундай юксак эътирофга сазовор бўлиш осон ёки бир кунда бўлиб қолади-ган иш эмас, албатта. Ҳозир дунёда маърифат, маданият, санъат, бир сўз билан айтсак, маънавийат ҳақида шунчалик жон куйдираётган, яна бирор давлат бормикан? Айрим давлатларда умуминсоний қадриятларнинг қадриятланиши, маънавий таъзалу рўй бераётган бир паллада биз нималар эвазига қўллаб маънавийатлардан маънавий жиҳатдан анча илгариллаб кетдик?

Менинг назаримда, бунинг бош омили биринчи навбатда, ёшларимиз тарбияси, таълим тизимига берилаётган бекхис эътибор, миллий қадриятларимиз қадриятланиши, маънавийатни юксалтириш учун қилинаётган ишлар, ажратилаётган катта-катта маблағлар, энг асосийси, ривожланишнинг, тараққиётнинг тўғри йўлини танлаганимиздир.

Дарҳақиқат, замонавий билим ва касбуналарни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишлар ўз самарасини бермоқда. Шу ўринда айрим рақамларга эътибор қаратсак. Фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 278 болалар мусика ва санъат мактаби, 523 спорт иншооти ва 100 дан зиёд сувиш хавзалари қурилгани ва реконструкция қилингани, бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қиз спорт билан мунтазам шуғулланаётгани ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, Ватан, халқ юқини елкасида кўтаришга қодир бўлган авлод шаклланаётганини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, мустақиллик халқимизнинг тарихий ютуғи, бугунги ютуқларимиз асоси, келахак авлод таянчидир. Кеча ким эдигу, бугун ким бўлди, эртага бизни қандай марралар кутиб турибди, деган ҳаётий саволларни ўзимизга бериб, ҳулоса чиқариб олсаккина юртимиз тақдирига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳис этамиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири Нурли ОРИПОВ ёзиб олди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Сиёсий партиялар фракциялари парламент фаолиятида муҳим ўрин тутати

Демократик-ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда кўппартиявийлик тизими энг муҳим асослардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришда сиёсий партияларнинг иштирокини кучайтиришга, таъсир кучини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, сиёсий партиялар аҳолининг ў ёки бу қатлами манфаатларини ифода этади. Парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари сайланган ҳар бир депутат вакиллик органларида ўз сиёсий партияси электоратининг манфаатларини қўлаб фаолият юритади. Парламент куйи палатасида битта партиядан сайланган депутатлар партия фракциясига, халқ депутатлари Кенгашларида эса партия гуруҳига бирилади.

Ҳозирги кунда сиёсий партия фракциялари фаолиятини кафолатловчи мустақим меъёрий-ҳуқуқий

асослар шакллантирилган. Ҳусусан, сиёсий партия фракциялари фаолиятига тааллуқли масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (60 ва 98-моддалар), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида», «Давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Си-

ёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Қонунчилигимизда сиёсий партия фракциясига «сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси», дея таъриф берилган.

► Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

САМАРҚАНДА 400 ЙИЛДАН СЎНГ ЎЗ ЁЧИМИНИ ТОПГАН КАШФИЁТ



■ ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши, халқ депутатлари вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, партия гоёларини тарғиб этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қандай ишларни амалга оширмоқда?

МЕДИА-ТУР

Халқ таълими вазирлиги томонидан Гулистон туманида медиа-тур ташкил этилди. Унинг доирасида «Лола» номли 12-, «Қувонч» номли 21-мактабгача таълим муассасаларидаги қисқа муддатли гуруҳлар фаолияти, шунингдек, Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси тажрибаси билан яқиндан таништириув тадбирлари ўтказилди.



ЎЗА олган сурат.

«БОЛАЖОН» БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАЙДИ

Мақтабгача таълим муассасасига қатнайдиган бола билан оиладан мақтабга келган болаларнинг фикрлари ва дунёқарашини даржадан бир-биридан анча фаркланади. Орадаги ана шу тафовутни йўқотиш учун мақтабгача таълим муассасаларида, мақтабларда қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари ташкил этилиб, мақтаб ёшидаги болалар учун «Болажон» дастурида белгиланган кун тартибига мувофиқ, таълим-тарбия ишлари олиб борилмоқда.

Сирдарё вилоятдаги мақтабгача таълим муассасаларида болалар қамровини ошириш, мақтабгача ёшдаги болаларни навбатдаги босқичга сифатли тайёрлаш ишларида жиддий эътибор қаратилмоқда.

Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳларида фаолият кўрсатаётган тарбиячилар учун вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан икки кунлик ўқув-семинар ташкил этилди. — дейди бошқарма бошлиғи **Улуғбек Мамарасулов**. — Ўқув-семинарда махсус тайёрланган тренерлар томонидан 24 соатлик дастур асосида янгиликлар амалий ва назарий тарзда етказиб берилди. Унда қатнашган 98 нафар тарбиячига сертификат берилди.

Гулистон туманидаги «Лола» ва «Қувонч» номли мақтабгача таълим муассасаларидаги қисқа муддатли гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёни тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ҳар икки таълим муассасасида ҳам озодалик ва ободончилик ишлари яхши йўлга қўйилган. Спорт майдончаларида болалар билан турли жисмоний машқлар, қизиқарли ўйинлар ташкил қилиш учун зарур бўлган барча шароит яратилган. Махсус тайёрланган ўқув хоналари ҳам болалар дунёқарашига мос қилиб жиҳозланган.

Биз бу гуруҳларни ташкил қилиш учун жиддий тайёргарлик кўрдик, — дейди 12-мактабгача

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФЕСТИВАЛЬ

Аёллари соғлом юртнинг келажаги буюқдир

Бухорода Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб, «Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шiori остида аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, вилоят ҳокимлиги ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда жамоалар энгил атлетика, волейбол, гимнастика, шохмёт-шашка, сузши, дартс, стол теннис бўйича ўзаро бахslashди.

Президентимиз раҳнамоллигида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган хотин-қизларни оммавий спортга жалб этиш орқали улар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулфия Тўйева. — Мазкур спорт фестивалининг қуйи босқичларида 6 мингдан зиёд хотин-қиз иштирок этгани мусобақага қизиқиш ортиб бораётганидан далolatдир.

Умумжамоа ҳисобида голиблик Бухоро шаҳри вакилларига насиб этди. Қоровулбозор тумани иккинчи, Олот тумани жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

«Энг ёш иштирокчи», «Энг ёши катта иштирокчи», «Энг маҳоратли иштирокчи», «Энг интилувчан иштирокчи» каби номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.

ЎЗА

Фарзандлари муддатидан олдин ёзишни, ўқишни ўрганса, қайси ота-она хурсанд бўлмайди, дейсиз!

2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Ҳаётдан завқ олиб

яшаётган инсон

■ Сочларига оқ оралаган, бироз оқсоқланиб юрса ҳам, ҳали бардам, тетик ва хушчақчақ. Ўн саккиз йил аввал синган қўл-оёқ, бўксаси энди ўз сўзини айта бошлабди. Лекин у дардга чап бериб, ўзига бўлган қатъий ишонч, умид, эзгулик билан яшаяпти.

Саксон билан юзлашаётган бу инсон умрини қувноқликда, хурсандчиликда, тўкин-сочинликда, қизлари, қувалари, набира-ю зваралари ардоғида бахтиёр яшаяпти. Ҳаётдан завқ-шавқ олиши, она юртига бўлган енгисиз муҳаббат бу инсонга илҳом бағишламоқда.

Жўшқин ҳаёт кечираётган бу инсон устоз ва мураббий, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, Миршароф ака Мухсимовдир.

У ҳаёт ва ижодда ибратли, ҳавас қилса арзигулик йўлини босиб ўтди.

Атоқли журналист Холбек Ёдгоров ўзининг «Ҳаёт тўқинлари» китобида Миршароф ака ҳақида жуда илиқ, самимий фикрлар билдириб, ёзувчи Ўқтам Усмонов билан ўзбек журналистикасида биринчи бўлиб илмий очерк жанрини кашф этганини мамнуният билан ёдга олади...


Урта Осиёда биринчи марта инсон юрагини кафтида тутиб, жарроҳлик амалиётини моҳирона ва мукаммал бажарган қўли энгил Восид Воҳидов ҳақида илмий очерк ёзишга дадил қўл уриш ўша давр журналистикасида катта жасорат ҳисобланарди. Ўзини кўз-кўз

гап-сўз бўлиши мумкин эмас эди. Айниқса, космонавтика соҳасидаги ходимлар сир сақланарди. Миршароф ака бу соҳага ҳам аста қадам ташлади. Қанчадан-қанча тўсиқлар, қарама-қаршилиқларни мардонавор енгиб ўтишга тўғри келди.

Унинг «Қалдирғочлар баҳорда учди» илмий очеркни кўпчилилик халғача эслаб юради. Шу очерк чиққанидан бошлаб Гагариннинг муваффақиятли парвозини таъминлашда иштирок этганлар сафида ўзбек ўғлони ҳам бор эканлиги, учувчининг шифокори тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдухалил Мансуров экани ҳаммага маълум бўлди.

Устоз ҳаёти ва ижодига доир яна бир воқеани ёдга олмасдан ўтолмаймиз. 1991 йилнинг 6 март кuni у киши ҳаётида ўлмас ва унутилмас кун бўлиб қолди.

Қобул тоғ ёнбағридаги Гужаргоҳи «Боғи Бобур» — бобомиз ётган муқаддас манзилгоҳ!.. Бобур Мирзо қабри!.. Оппок мрамор қабр устига юртимиздан атайлаб олиб борилган ял-ял рўмол ёпилиб, бир дақиқа сукут сақлаб, сўнг бобомизнинг жойлари жаннатда, охиратлари обод бўлсин, деб Қуръон тиловат қилинди. Ушбу зиёратчилар сафиди радио, телевидение ходимлари, матбуотчилар, жумладан, Миршароф ака ҳам бор эди. Устоз журналист ана шу тарихий сафар таассуротлари ҳақида



«Умр мазмуни безаклари» илмий очеркида ёзган эди.

— Миршароф акани маънавий бой инсонлар сирасига қўшгим келади, — дейди меҳнат фахрийси Ҳайдар Носиров — У киши умр бўйи қалам учиди инсонларга меҳр улашиб келаётган ижодкор.

Мурод Авезов шундай дейди: — Кўнглимга энг яқин устозларимдан бири — Миршароф ака. Чунки бу инсон ёзиш керак бўлгани учунгина ёзмайди. Аввал чуккур ўйлаб, кейин ёзади.

Миршароф ака ҳар кuni китоб varaқлайди. Нималарнидир белгилаб қўяди. Ўқийди, ўрганайди, ёзади. Саксон сари юзланган устоз кўзойнак тақмайди. Бемалол соатлаб китоб ўқийди. Миршароф ака авваллари қандай камтар, камсуқум бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича қолибди.

Миршароф Мухсимовни ҳамкасблари, шогирдлари тез-тез йўқлаб туришади. Бундай эътибордан устознинг кўнгли тоғдек кўтарилиб, Бугун у киши озод ва обод юрда кексалик гаштини суриб юрибди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

Германиянинг Галле шаҳрида бокс бўйича ўтказилган аънавий «Chemistry Cup» халқаро турнирида терма жамоамиз аъзолари 3 оltин, 2 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

БОКСЧИЛАРИМИЗ НУФУЗЛИ ТУРНИР ШОҲСУПАСИДА

Нуфузли турнирда ўндан зиёд давлатдан юз нафарга яқин боксчи ўнла вазн тоифасида голиблик учун куч синашди. Вазни 49 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги баҳсларда қатнашган тажрибали боксчиси Ҳасанбой Дўсматов Жанубий кореялик Ким Вон Хо, польшалик Давид Жағодзински ва финалда мўғулистонлик Ганхуяг Ган-Эрдене устидан галаба қозониб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига қўтарилди.

Яна бир ҳамюртимиз Аббор Қодиров вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида тенгсиз эканини исботлади. У ярим финалда германиялик Ронни Бебликни, ҳал қилувчи баҳсда франциялик Эли Конкини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринга сазовор бўлди.

Терма жамоамизга навбатдаги олтин медални энг оғир вазн тоифасидаги боксчилар беллашувида қатнашган Баҳодир Жалолов келтирди. Икtidорли спортчимиз чорак финалда германиялик Флориан Шульцини, ярим финалда Жанубий Корея вакили Хуа Пиеонг Сонг ва финалда яна германиялик боксчи Макс Келлерни техник нокаутга учратди.

Ўз вазн тоифасида Муроджон Аҳмадалиев ва Бургут Ҳожибоев кумуш, Исроил Мадримов ва Рустам Тўлганов бронза медал билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

LADA

CHEVROLET

UAZ

GAZ

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113 уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759
11156
nuхdа
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 01.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7433

1 2 3 4 5